МИЛЛИЙ ҒОЯГА ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

А.БЕГМАТОВ

В статье рассматриваются психологические особенности формирования национальной идеи и рекомендуется метод психологического тестирования, адаптированный автором к особенностям национального менталитета.

In this article is considered the psychological features of formation of national idea, and recommended the method of psychological testing adapted by the author to features of national mentality.

Мана 18 йилдирки, тоталитар тузум асоратларидан қутулиб, янги жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Янги жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири янгича фикрлайдиган кишини шакллантиришдир.

Янгича тафаккур эса янгича эътиқодга асосланиши, янгича эътиқодга хизмат қилиши лозим. Бизнинг жамиятимизда шаклланган эътиқод миллий ғоямиздир. Янги авлодни тарбиялаш тўғрисида сўз юритар экан, Президент И.Каримов: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади”, - деб ёзади [1;4]. Миллий ғоя эса асосий маънавий эҳтиёжлардан бирини ташкил этади. Миллий ғоя ҳақида фикр юритар экан, И.Каримов уни "... аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавиий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган" ҳодиса сифатида таърифлайди [1;71].

Янгича тафаккур билан янги эътиқод ўртасидаги муносабатларда қизиқ бир ҳолат кўзга ташланади. Бир томондан, янги тафаккур янги эътиқодга асосланса, иккинчи томондан, янги эътиқоднинг ўзи янгича тафаккурнинг маҳсулидир. Бир қарашда жумбоқли кўринган шу муносабат янгича тафаккур ва янги эътиқоднинг шаклланиши бир жараённинг икки томони эканини кўрсатади. Мана шу муносабат янгича тафаккурни шакллантиришда янги эътиқодни ва янги эътиқодни шакллантиришда янгича тафаккурни назарда тутиш зарурлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз таълим тизимининг турли босқичларида миллий ғоя фан сифатида ўқитилмоқда. Бу ёшларнинг ижтимоий ҳаётга шаклланган дунёқараш ва эътиқод билан кириб келишини таъминлашга қаратилган.

Миллий ғояни фан сифатида ўқитишнинг бошқа фанларни ўқитиш билан умумий жиҳатлари билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Табиий ва аниқ фанларни ўқитишда асосий мақсад ўқувчи ва талабаларга атрофлича ва чуқур билим бериш бўлса, миллий ғояни ўқитишда билим беришдан ташқари, эътиқодни шакллантириш ҳам кўзда тутилади. Эътиқодга айланмаган ғоя ўзига юкланган вазифаларни бажара олмайди. Чунки, ғоя эътиқодга айланмаса, шахснинғ ҳаракат дастури бўла олмайди. Миллий ғояни эътиқодга айлантиришнинг назарий, услубий ва психологик жиҳатлари мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эътиқод “қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қараш” сифатида талқин қилинади [2;68]. Қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этилувчи нуқтаи назарнинг шаклланиши бошқа нуқтаи назарларнинг шаклланишидан, аввало, психологик хусусиятлари билан фарқланади. Бундай ишонч ва нуқтаи назарни шакллантириш учун ўзига хос психологик мурватларни ишга тушириш талаб этилади.

“Эътиқод” тушунчасига лингвистик жиҳатдан талқин берилган бўлса ҳам, психология, педагогика, социология, сиёсатшунослик фанларида бу тушунчанинг кўлами, таркибий қисмлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар йўқ ҳисобида. Мазкур масала бўйича фанда озроқ бўлса ҳам мавжуд тадқиқотларга асосланиб

айтиш мумкинки, эътиқод уч асосий таркибий қисмдан ташкил топади. Булар қуйидагилар: интеллектуал, эмоционал ва амалий ёки хулқ-атвор қисмлари. Бу таркибий қисмларнинг нисбати турли шахсларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, ақлий меҳнат билан шуғулланадиган одамларда интеллектуал жиҳат кўпроқ ўрин эгалласа, бошқаларда эмоционал ёки амалий томон устуворлик қилиши мумкин.

Россияда ва Ғарбда психология ва фалсафа бўйича эълон қилинаётган адабиётларда интеллектуал қисм заиф бўлса, эътиқоднинг ўзи ҳам заиф бўлади, деган фикр билдирилмоқда. Бу фикрнинг негизида эътиқод кучли билимга асосланиши лозим, деган ғоя ётади. Умуман олганда, бу тўғри фикр. Мустаҳкам билим мустаҳкам эътиқод шаклланишига кўмаклашади. Масалан, Жордано Бруно, Галилео Галилейнинг ҳаёти ва илмий эътиқоди бунга мисол бўла олади. Лекин, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, кучли билимга эга бўлмаган, ҳатто деярли ҳеч қандай билимга эга бўлмаган одамларда ҳам кучли эътиқод бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, кўпинча турли динларга мансуб одамлар орасида учрайди. Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”сида қуйидагича ривоят келтирилади. Оми бир чўпон ўзининг Оллоҳга бўлган муҳаббатини қуйидагича ифода қилади: “Эй, худо! Қорнинг очса, қўй сутидан пишлоқ қилиб берай. Чориғинг йиртилса, ямаб берай”. Кўриниб турибдики, чўпон диний илмдан мутлақо бехабар. Унинг диний илмларга мутлақо мос келмайдиган сўзларини тасодифан эшитиб қолган ва ғазабга келган бир мулла уни сўка бошлайди. Шунда ваҳий келади ва Оллоҳга муҳаббат билан мурожаат қилган чўпонни хафа қилгани учун муллага дашном берилади. Бу ривоят ҳаётий ривоятдир. Бунга ўхшаш ҳодисалар ҳаётда кўп учраши мумкин. Чўпоннинг илми йўқ, лекин эътиқоди жуда мустаҳкам. Чўпоннинг эътиқодида интеллектуал қисм жуда кичик, лекин эмоционал ва амалий жиҳатлар устувор.

“Маснавий”даги чўпон сиймоси ўзининг мустаҳкам эътиқоди ва ва шу эътиқодга оғишмай амал қилиши билан ҳам жозибалидир. Ҳаётда бунга акс бўлган ҳодисалар ҳам учрайди. Интеллектуал жиҳатдан жуда ривожланган, баъзан олий илмий даражаларга эга бўлган шахслар ҳам илмларига ва бошқаларга қилган насиҳатларига ўзлари амал қилмаслик ҳолларини учратиш мумкин. Аҳлоқ нуқтаи назаридан баҳолаганда, илмсиз чўпон жуда юқори илмли, лекин илмига амал қилмайдиган мулладан беқиёс даражада устун. Лекин бу мисол ва қиёсдан илмга эътибор бериш шарт эмас, ёшлар эътиқодли бўлса бас, деган хулоса чиқмайди. Халқимизнинг “Олим бўлма, одам бўл” деган мақоли олим бўлишинг шарт эмас, аммо одам бўлишинг шарт, деган маънодагина тўғри. Одам бўлса ва бунинг устига олим ҳам бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

Эътиқод тарбиясида эътиқоднинг мана шу таркибий қисмлари хусусиятларини ва ўзаро муносабатларини ҳисобга олгандагина яхши натижаларга эришиш мумкин.

Эътиқод таркибига кўра турлича бўлиши билан бирга, мазмунига кўра ҳам бир неча турларга бўлинади. Сиёсий, илмий, диний, ахлоқий, маънавий эътиқодлар ана шулар жумласидандир. Эътиқоднинг бу турлари орасида илмий эътиқодлар фаннинг у ёки бу йўналиши билан боғлиқ бўлишидан ташқари, таркибида интеллектуал компонентнинг устунлиги билан ҳам ажралиб туради. Эътиқоднинг бу тури ва сиёсий ҳамда маънавий эътиқодлар ўз-ўзидан ёки тасодифий тарзда шаклланмайди. Бу эътиқодларни шакллантириш учун мақсадга йўналтирилган ва узоқ муддатли фаолият талаб қилинади. Диний ва ахлоқий эътиқодлар ҳам, асосан мақсадга йўналтирилган фаолият натижасида шаклланади. Лекин, эътиқоднинг бу турлари шаклланишида тасодифий ҳоллар ҳам истисно қилинмайди. Тасодифий учраган бирор воқеа-ҳодиса таъсирида кишининг диний ва ахлоқий эътиқоди ўзгариб кетиши мумкин.

Эътиқоднинг турли кўринишлари шаклланишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, илмий эътиқодлар, юқорида айтганимиздай, узоқ муддатли фаолият натижасида шаклланади. Сиёсий ва маънавий эътиқодлар тўғрисида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Таълим тизимида асосий эътибор илмий эътиқодни шакллантиришга қаратилиши сабабли шу эътиқодни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Илмий эътиқод, шу жумладан, миллий ғояга бўлган эътиқодни шакллантиришга киришишдан аввал ўқувчи ёки талабаларда миллий ғояга нисбатан муносабат, миллий ғоя бўйича билимлар даражаси, шунингдек, уларнинг эмоционаллик, ҳиссиётга берилувчанлик, сезги органларидан қай бири устувор экани (аудиаллик, визуаллик, кинестетиклик) даражаси аниқланади. Бунинг учун психологик ташхис

усулларидан ва психологик тестлардан фойдаланилади.

Психологияда, айниқса, экспериментал психологияда тўпланган тажрибаларга кўра, ўқувчиларнинг кўпчилиги миллий ғоя бўйича етарли билимга эга бўлса ҳам, бу билимларни амалиётда қўллаш бўйича етарли кўникмаларга, мотивацияга эга эмас. Тажриба кўрсатишича, миллий ғояни ҳаётда қўллаш учун билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги ҳам кифоя қилмас экан. Бу билим ва кўникмалардан ташқари, улардан фойдаланиш учун ҳоҳиш ва ирода ҳам бўлиши керак. Бунинг учун эса ўқувчиларда миллий ғоянинг амалий аҳамияти кишилар фаолиятида йўлчи юлдуз вазифасини бажариши мумкинлиги тўғрисида тасаввурларни, яъни мотивацияни шакллантиришга киришишдан аввал шундай мотивациянинг мавжудлик даражасини ва бошқа психологик хусусиятларни ташхис қилиш зарур.

Миллий ғоя бўйича билимлар ва унга муносабат шахснинг ижтимоий йўналтирилганлигини англатади. Шунинг учун миллий ғояга эътиқодни ташхис қилишда респондентнинг билим даражасини, билимларга муносабатини, билимлардан амалиётда фойдаланишга интилиш, уқув ва кўникмалар мавжудлиги, бу интилиш, уқув ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Психологик ташхис жараёнида миллий ғоянинг шахс дунёқарашига ўтказган таъсири, дунёқараш тузилмасида тутган ўрнини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Психологик ташхиснинг бу жиҳатини таъкидлашимизга сабаб шуки, киши ўз атрофидаги нарса-ҳодисаларни баҳолашда ўз дунёқараши, қадриятларидан келиб чиқади. Шуни назарда тутиб, психология фанида диагностикага нисбатан ёндашувларни танлашда ўрганилаётган объект хусусиятларини тўлароқ акс эттириши мумкин бўлган ёндашувни тўғри танлаш имконияти туғилади.

Дунёқараш ва унинг компонентларини ташхис қилишда, жумладан, миллий ғояга оид психологик ташхис ўтказишда шу компонентларнинг мавжудлиги ва даражасинигина эмас, балки уларнинг шахс фикрлашига, когнитив жараёнларига ва умуман, психологик операциялар тизимига ўтказадиган таъсирини назарда тутиш зарур.

Ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги эмпирик ва назарий йўл билан шаклланиши мумкин. Миллий ғоянинг баъзи элементлари, масалан, миллий ғурур ва ватанпарварлик каби жиҳатлар кундалик ҳаёт таъсирида эмпирик йўл билан ҳам шаклланиши мумкин. Лекин миллий ғоя тизим сифатида ва эътиқод ҳам тизимнинг маҳсули сифатида назарий ва эмпирик йўлларнинг уйғунлашуви натижасидагина шаклланади. Эмпирик йўл билан шаклланган эътиқод негизида “бошқалар шундай қилишмоқда” деган асос ётади. Назарий йўл билан шаклланган эътиқод негизида эса нарса-ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаш ва уларнинг хусусиятларига нисбатан қаттиқ ишонч ётади.

Дунёқараш таркибидаги билимлар ва эътиқод ўзаро боғлиқ бўлиш билан бирга, алоҳида хусусиятларга ҳам эга. Улар бир-биридан шаклланиш усули ва функцияларига кўра ҳам фарқланади. Билим атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисаларни билиш, бир-биридан фарқлаш, улар ҳақидаги тушунчалардан интеллектуал операциялар жараёнида фойдаланиш билан характерланади.

Эътиқод ўзининг дунёқараш тузилмасидаги ўрни ва роли билан билимдан фарқ килади. Эътиқод ёрдамида билимларнинг шахс манфаатлари билан алоқадорлиги аниқланади ва уларнинг амалий ҳаракат учун дастур бўлиш ёки бўлмаслиги белгиланади.

Шахснинг ижтимоий йўналганлигини белгилашда ҳам эътиқод муҳим роль ўйнайди. Бунинг сабаби эътиқод атроф муҳитдаги нарса-ҳодисаларни баҳолашда, мақсадни белгилашда мезон вазифасини ўташида. Шахс атрофдаги воқеа-ходисаларни, одамларнинг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатларини баҳолашга ўзининг идеали ва эътиқоди нуқтаи назаридан ёндашади. Шу сабабли шахснинг турли-туман қадриятларини бир тизим сифатида ўрганишда унинг эътиқодини назарда тутиш диагностиканинг самарадорлигини таъминлайди.

Эътиқодни диагностика қилиш бошқа психик ҳодиса ва жараёнларни ташхислашдан фарқланади. Лекин бу тафовут мутлақ эмас. Тафаккур, хотира, диққат ва бошқа психик жараёнларни ўрганишда қўланиладиган усуллардан эътиқодни ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин фақат шу методикалнинг ўзи эътиқоднинг тўла манзарасини кўрсатиб бера олмайди. Айтайлик, анкеталар, сўровномалар, мантиқий ва когнитив тестлар эътиқодни ўрганишда кўмак беради. Лекин улар ёрдамида шахснинг билимини, фикрини аниқлаш мумкин холос. Эътиқодни ўрганиш учун эса шунинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки билимлар ва бошқа интеллектуал сифатлар

эътиқод тузилмасидаги бир элементни ташкил қилади холос.

Шунинг учун қўшимча равишда махсус методикалардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Лекин психологияга оид Россияда, бошқа МДҲ мамлакатларида ва Ғарбда чоп этилган адабиётларни ўрганиш эътиқодни ўрганишга қаратилган методикаларнинг жуда ҳам камлигини кўрсатди. Бунинг устига, бу методикалар ўзлари яратилган мамлакатлардаги аҳолининг менталитетини назарда тутиб тузилгани сабабли, улардан мамлакатимиз аҳолисининг эътқодларини, жумладан, миллий ғояга эътиқодини ўрганишда тўғридан-тўғри, ўзгаришларсиз фойдаланиб бўлмайди.

Баён қилинган ҳолатларни ҳисобга олиб, биз мавжуд методикалардан бирортасини мамлакатимиздаги ижтимоий психологик жараёнларни ўрганиш учун мослаштиришга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда америкалик олим М.Рокичнинг “Қадриятлар иерархияси” методикасини танладик. Бу методика ўзининг унверсаллиги, ишончлилиги, программалаштириш қулайлиги билан ажралиб туради. Мана шу сифатлари туфайли бу методика дунё психологлари ва социологлари томонидан кенг қўлланилмоқда. Уни ахборот технологияларига мослаштирилишнинг қулайлиги кўпсонли респондентлар билан тадқиқот ўтказиш зарур бўлганда муҳим восита бўлишини таъминлайди.

Мазкур методиканинг мамлакатимиз ёшлари ва аҳолисининг этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиб модификация қилинган шаклини “Суратлар альбоми” деб атадик. Бу методикадан респондентларнинг кимларга ҳавас қилиши, кимларга тақлид қилиши, кимлардан ибрат олиши, ана шу ҳавас қилиш, ибрат олиш ва тақлид қилишнинг сабаблари ва психологик механизмларини ўрганиш учун фойдаланиш мумкин.

“Суратлар альбоми” методикасидан бир неча хил усул ва шаклларда фойдаланиш мумкин. Бу усулнинг моҳияти шундаки, унинг ёрдамида респондентларнинг орзу-интилишларини, уларга кимлар ва нима учун ёқишини, шу орқали улар қандай ғояларга мойиллигини аниқлаш мумкин.

Респондентларга қоғоз ва қалам тарқатилгач, қуйидагича топшириқ берилади: Сиз ўзингиз ҳурмат қиладиган, ҳавас қиладиган ва ўшалардай бўлишга интиладиган одамларнинг фотосуратини топиш имкониятига эгасиз, деб фараз қиламиз. Ана шу суратлардан альбом тузинг. Альбом 10 (5, 7, 15 ва ҳ.) саҳифадан иборат. Альбомнинг биринчи саҳифасига ўзингиз энг ҳурмат ва ҳавас қиладиган одамнинг суратини қўйишингизни ёзинг. Иккинчи саҳифага сиз учун ҳурмати ва обрўси биринчи саҳифадагидан бироз камроқ бўлган одамнинг суратини қўйишингиз ҳақида ёзинг. Шу тартибда 3-, 4-, 5-ва ҳ. саҳифаларга кимнинг суратини қўйишингизни ёзасиз. Ҳар бир саҳифага кимнинг суратини қўйишингизни ёзганингиздан кейин, нима учун шу саҳифага айнан шу одамнинг суратини қўйганингизни изоҳланг.

Мазкур методикадан мактаб, коллеж ўқувчилари ёки олий ўқув юртлари талабалари ўртасида фойдаланилганда, уни уйга топшириқ сифатида ҳам бериш мумкин. Бунда, ўқувчи ва талабалар бу топшириқни уйда бажарганларида, уларнинг танловларига ота-оналари, ака-ука ва опасингиллари ҳам таъсир ўтказиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Мактаб ёки ўқув юрти доирасида ўтказилганда эса бу методикадан дарсдан ташқари вақтда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Респондентлар “Суратлар альбомини” "тўлдириб" берганларидан кейин натижалар умумлаштирилади. Умумлаштиришда кимлар, ёки қайси касб эгалари биринчи, иккинчи ва учинчи ёки охирги ўринларни эгаллаганлари аниқланади. Саҳифалардаги суратларнинг ёнида бу сурат нима учун мана шу саҳифага қўйилгани ҳақидаги саволга берилган жавоблар орқали эса ўқувчиларнинг қайси ғоялар, қандай характерларга мойиллиги маълум бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1.Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч..- Т.: Маънавият, 2008
2.Ўзбек тили изоҳли луғати. 5-жилд.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.- 2008

Давлат ва жамият қурилиши академияси,
2010 йи 5 февралда қабул қилинган.